

КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Хусаинов Ш.Я

Жисмоний тарбия кафедраси мудир

Маънавиятсиз ҳеч қачон етук инсонни тарбиялаб бўлмайди. Маънавият инсонга шунчаки тухфа этилмайди. Маънавиятли инсон бўлиш ўзига хос меҳнат ва матонат талаб этади. Маънавиятли инсон бўлишга элтувчи йуллардан бири, бу- китоб ўқишдир. Мутолаа асосида бунёд бўладиган муҳим кадриятлардан бири - бу аждодлар руҳига садоқат. Ворисийлик туйғуси, маъданий узвийлик жараёнидир. Чунки инсон учун ҳаёт йулларида доимо ўзида эҳтиёж сезадиган аждодлар ёди, миллий ғурур ва ифтихор, жонажон Ватанга муҳаббат, ота онага ҳурмат, юртга садоқат, фарзандлик ҳисси, инсоний фазилатлар айнан китоб мутолааси орқали унинг онгу шуурига сингиб боради, ҳаётининг маъно- мазмунига айланади. “Китоб аш-шифо” асарининг бир қисмини буюк аллома Ибн Сино инсон муаммосига бағишлаб, унда инсоннинг бошқа тирик мавжудотлар - ҳайвонлардан фарқли жиҳатларини кўрсатади. Олимнинг фикрича, “инсон куйидаги хусусиятларга кўра ҳайвонлардан фаркланади: биринчидан, ҳайвон табиат неъматларидан бевосита фойдаланиб истеъмол қилади, одам эса табиат неъматлари билан ўз эҳтиёжларини қондириш билан биргаликда, ундан маънавий завқ олади, турли тирикчилик воситалари- кийим-кечак ва уй жой яратади; иккинчидан, деҳқончилик ва касб ҳунар билан шуғулланади; учинчидан, одамзод жамоа бўлиб яшашни, бир бирлари билан ўзаро муомалада бўлишни истайди”. Демакки, инсон ўқиб-ўрганиб, китоб мутолааси орқали жамоа билан бирга бўлишни ўрганади, фикрлайди, қарор қилади ва онгли равишда бажаради. Ривожланаётган жамиятнинг асосий мақсади инсон камолотига эришиш. Шу сабабли “Эркин фуқаролик жаъмиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётини эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга муҳим аҳамият берилмоқда”.

Моварауннахрнинг энг ёрқин тарихий- маъданий даврларидан бири бўлган IX-XII асрларда маънавий-фалсафий тараққиёт, ижтимоий идеални англаш, комил инсон муаммоларини ҳал этиш усуллари, ижтимоий-маънавий жараёнларидаги ворисийлик ва фозил жамоа муаммоси талқинига буюк алломалар ҳам алоҳида эътибор берган. Жумладан, Абу Наср-Форобий ижодидаги комил инсон фазилатлари, Ибн Синонинг маънавий ахлоқий таълимоти, Абу Райхон Берунийнинг инсон феъли ва уни акомиллаштириш хусусида ғоялари, Юсуф Хос Хожибнинг сиёсий-этик қарашларини эътироф этиш лозим. Шунингдек, бир қатор буюк аллома аждодларимизни комилликка эришган эди, десак муболаға бўлмайди. Юқорида исмлари зикр этилган алломаларимиз билан баробар ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг ҳам комил инсонни тарбиялашга қўшган ҳиссаси бекиёс. Абу Муҳаммад ал-Хоразмий (1160-1220) ҳақида Ёқут ал-Хамавий шундай ёзади: **“Бу одам даврининг кўзи ва замонамиз пешонасида ярқираган юлдуздир”**.² Бизга маълумки, бу аждодларимиз бундай мавқега ўз устида мунтазам ишлагани ва жуда кўплаб адабиётларни мутолаа қилгани эвазига эришган. 1940 йилдаёқ германиялик ёзувчи, олим Альфред Курелла “Интернациональная литература” журналида босилган “Буюк шоир кашфиёти” мақоласида Алишер Навоий ижоди ва шахсиятида кўринган ўзига хос ходисалар ҳақида фикр юритган эди. Жумладан, у шундай деди. “Асосли равишда Марказий Осиё маданиятида уйғониш даври деб аталган замоннинг чинакам фарзанди, давлат арбоби, айни вақтда файласуф, шоир, созанда ва меъмор, ўз даври мафкурасига инсон ва жамият ҳақидаги ғояларни киритган шахс, у бир вақтнинг ўзида мутафаккир – бунёдкор ва амр бўлиб, замонасининг кўзгуси эди”. Шу фикрларнинг ўзиёқ уларнинг қай даражадаги инсон бўлгани исботидир.

Одамларнинг бир- бирларидан фарқи, уларнинг салоҳияти қай даражадалиги, билими, тафаккурига қараб жамиятда тутган ўрни ҳам табиий равишда белгиланади. Кишиларнинг хулқ

атвори, урф одатлари ва турли халқларнинг яшаш тарзи, табиий географик шарт шароитлари турлича. Лекин жамият ҳаётидаги ижтимоий- ахлоқий муносабатлар бирламчидир. Ахлоқий муносабатлар халқнинг маънавий соғломлигини белгилайди, илм фан ва маъданиятнинг раванг топишига ёрдам беради, жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги ва собитлигини таъминлайди. Бу эса кишиларни ўзаро ҳамжиҳатликка ва ҳамкорликка ундайди, уларга бир бирларига меҳр муҳаббат ва ишонч туйғуларини шакллантиради, одамларни жипслаштириб, ҳар қандай ёвузлик ва адолатсизликнинг йуқотилиши учун замин яратади. Буларнинг барчаси маънан етук бўлгандагина, яъни мутолаа жараёнларидан сўнггина содир бўлади. Н.А.Рубакин ҳам XX аср бошларида **“...кўплаб инсонлар бировларнинг ёрдамисиз, мустақил мутолаа орқали ўз-ўзини тарбиялагани ва қобилиятини ривожлантирганини айтиб ўтган эди”²**. Қачонки инсон ўз устида мустақил ишлаб, ўз-ўзини шакллантиришга уринар экан, у албатта камолотга эришади.

Болаликда олган тарбия, билим ва кўникмалар инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгилайди. Умуман, ёшлик ҳаётнинг энг гўзал, энг гуллаган даври бўлиб, бу фаслда инсон ён-атрофга пок туйғулар, беғубор нигоҳ билан қарайди. У жуда ишонувчан бўлиб, шунинг учун ҳам бу даврда уларни йўлдан уриш, чалғитиш осон бўлади. Бузгунчи кучлар ёшларнинг ана шундай қалб нозикликларидан фойдаланмоқчи бўлади. Ўз аجدодларнинг кимлигини яхши билмайдиган, уларнинг меросидан беҳабар бўлган одам руҳан ғариб бўлади. Уни хоҳлаган куйга солиш, йўлдан оғдириш, ёмон йўللارга бошлаш осон бўлади. Ўз ота боболарининг шонли анъаналарини яхши билган, уларнинг инсоний моҳиятини чуқур тушуниб етган инсонлар эса ҳар қандай “кимсалар” етаклаган йўлдан бормай, балки аجدодларимиз изидан бориш, уларнинг ишини давом эттириш ҳамда бунёдкорлик ғоялари ҳақида уйлайди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-иждоий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим”.³ Улар қолдирган бебаҳо хазина – манбалар эса ҳар бир даврда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда Юртбошимизнинг яна бир фикрига тухталиб ўтамиз: **“Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёфатларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт”⁴**

Таълим - тарбияда ота-она, оила, мураббийлар, маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш, аجدодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш яхши самара беради. Бу ўринда асрлар оша яшаб келаётган ва бугун яратилаётган ўлмас меросимиз – адабиёт дурдоналари маънавиятимизнинг бойишига заминдир. Шунингдек, миллий-қадриятларимизни, адабий бадиий дурдоналаримизни асраб-авайлаш, улардан фойдаланган ҳолда келажак авлодга маънавий озуқа улашиш ҳам бурчимиздир.

Давлат, жамият учун фидойи, ватанпарвар комил шахсни тарбиялаш мураккаб вазифа. Бунга фақатгина бой қадриятларимизга таянган, ўз-ўзига ишонган, миллий-маънавий меъросимиздан оқилони фойдалангандагина эришиш мумкин. Баркамол инсонлар жамият ривожини таъминлайди. Зеро Президент Ислом Каримовнинг **“Айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”¹** – деган фикрлари фуқароларимизда китоб мутолаа қилиш фазилатини шакллантиришга янада ишончли куч бағишлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1- миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ватамойиллар.-Т.: ; ”Ўзбекистон “, 2001.56-6
- 2- материалы по истории Средней и центральном Азии X-XII в.в.- Т.: фан,1991.-70с
- 3- -«Литература и искусство Узбекистана», 1940, №6, с.81
- 4- 2-Қаранг:рубакин Н.А. Письма к читателям о самообразовании.-В изб.Произ. Т.2.М.: “Книга”,1975
- 5- 3-Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т,: Маънавият,2008,41-6
- 6- 4-Каримов И.А . Юксак маънавият енгилмас куч. –Т,: Маънавият,2008,44-6
- 7- -Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999,17-18 6